

Зеҳннинг қувватини ошириш учун нималар қилиш керак?

21:11 / 25.05.2016 4800

Ҳурматли устоз, зеҳннинг қувватини ошириш учун нималар қилиш керак?
Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Бу борада энг муҳими тақвони ошириш лозим. Одатда, бу саволни кўпроқ илм ўрганаётганлар, Қуръон ёдлаётганлар беришади. Уларга тақвони ошириш билан бирга, қуйидаги маслаҳат ҳам тақдим қилинади:

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васал-ламнинг ҳузурларида ўтирган эдик, бирдан Али келиб:

«Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй, Аллоҳнинг Расули! Ушбу Қуръон менинг кўксимдан чиқиб кетмоқда. Уни (ёдлашга) қодир бўла олмаяпман», – деди.

«Эй, Абул Ҳасан! Сенга Аллоҳ улар ила манфаат берадиган ва сен ўргатганларга ҳам манфаат берадиган ҳамда таълим олган нар-сангни кўксингда собит қиладиган калима-ларни ўргатиб қўяйми?» – дедилар.

«Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули! менга таълим беринг», – деди.

«Қачон жумъа кечаси бўлганда, агар кеча-нинг охириги учдан бирида туришга қодир бўлсанг (албатта, у шоҳид бўлинган соатдир), унда дуо ижобат бўлади. Биродарим Ёқуб ўз ўғилларига «Сизлар учун Роббимга сўнгра истиғфор айтурман», деган. У буни жумъа кеча-си келгунча айтган. Агар қодир бўлмасанг, унинг ярмида тур. Агар бунга ҳам қодир бўлмасанг, ав-валида тур. Тўрт рақъат намоз ўқи. Биринчи рақъатда «Фотиҳа» билан «Йаасийн» сурасини ўқи. Иккинчи рақъатда «Фотиҳа» билан Ҳаа мийм («Духон») сурасини ўқи. Учинчи рақъатда «Фотиҳа» билан «Алиф лаам мийм. Танзийлус Сажда» сурасини ўқи. Тўртинчи рақъатда «Фотиҳа» билан муфассалдаги «Таборақ» су-расини ўқи. Қачон Ташаҳхуддан фориф бўлсанг, Аллоҳга ҳамд айт ва Аллоҳга гўзал сано айт. Мен-га яхшилаб саловот айт, бошқа Набийларга ҳам. Мўминлар ва мўминалар ҳамда сендан олдин ий-мон билан ўтган биродарларинг учун истиғфор айт. Ана

ўшалардан сўнг «Эй, Аллоҳим! Мени боқий қолдирган чоғингда маъсиятларни доимо тарк қилиш ила раҳим қилгин. Мени ўзимга бе-фойда бўлган нарсага уринмаслик ила раҳим қилгин. Мени Сени мендан рози қиладиган яхши назар ила ризқлантиргин. Эй Аллоҳим! Эй ос-монлару ерни йўқдан бор қилган Зот! Эй жалол, икром ва мислсиз иззат эгаси! Эй Аллоҳ! Эй Роҳман! Жалолнинг ила, юзингнинг нури ила сўрайман! Қалбимга китобингни ўзинг менга таълим берганингдек ёд олишни лозим қилгин! Уни Сени мендан рози қиладиган тарзда тиловат қилиш ила ризқлантиргин.

Эй Аллоҳим! Эй осмонлару ерни йўқдан бор қилган зот! Эй жалол, икром ва мислсиз иззат эгаси! Эй Аллоҳ! Эй Роҳман! Жалолнинг ила, юзингнинг нури ила сўрайман! Китобинг ила кўзимни мунаввар қилгин. У билан тилимни узун қилгин. У билан қалбимни очгин. У билан кўксимни кенгайтиргин. У ила баданимга амал қилдиргин. Чунки, менга ҳаққда Сендан ўзга ёрдам бера олмас. Уни Сендан ўзга бера олмас. Ўзгартириш ҳам, қувват ҳам фақатгина Аллоҳ ила бўладир», – дегин.

Эй Абул Ҳасан! Ўшани уч жумъа ёки тўрт ёки бешда қилгин. Аллоҳнинг изни ила ижо-бат қилинурсан. Мени ҳаққ ила юборган Зот ила қасамки, бу ҳеч бир мўминни четлаб ўтмаган», – дедилар».

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Аллоҳга қасамки, беш ёки етти (жумъа) ўтиши билан Али Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига худди аввал-гига ўхшаш мажлисга келди ва:

«Эй, Аллоҳнинг Расули! Авваллари тўрт оят ёки шунинг атрофидагинани олар эдим. Қачон уларни ўқийман десам, ёдимдан чиқиб қолар эди. Бугун эса қирқ ва унинг атрофда-гини олмоқдаман. Қачон уларни ўқисам, худди Аллоҳнинг китоби кўзим олдида тургандек бўлади. Ҳадисни ҳам эшитар эдим. Агар қайтармоқчи бўлсам, ёдимга келмасди. Бугун эса сиз ҳадисларни айтганингизда бир ҳарфини ҳам қолдирмайман», – деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва-саллам унга:

«Мўминсан! Каъбанинг Роббиси ила қасам, эй Абул Ҳасан!» – дедилар».

Термизий ривоят қилган. Валлоҳу аълам.